

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
УЗОҚ ШАРҚ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТИЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК : 809.92-3
ББК : 81.2(5 Инз)
М - 54

МИРЗАЕВА ФАРИДА АХМЕДОВНА

ОТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ

5A220102 – ЛИНГВИСТИКА МУТАХАССИСЛИГИ (МАЛАЙЗИЯ ТИЛИ)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: доц Акрамжан Каримов

ТОШКЕНТ – 2011

Мундарижа

I БОБ. ПРЕФИКСЛАРНИНГ МОРФО-ФОНЕТИК, ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ

1.1. meN-, ber- префиксларининг ўзакка бирикиш қоидалари. Грамматик таҳлили ва фарқлари.

1.2. peN- , pe-, peg- префиксларининг грамматик таҳлили.

1.3. ke- префиксининг қўлланилиши.

1.4. ter- префиксининг қўлланилиши.

II БОБ. СУФФИКСЛАРНИНГ ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ

2.1. -an суффиксининг грамматик таҳлили.

2.2. -man, -wan, -wati суффиксларининг грамматик таҳлили.

2.3. -el-, -er-, -em- инфиксларининг грамматик таҳлили.

III БОБ. КОНФИКСЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА

АФФИКСЛАРНИНГ МИҚДОРИЙ-ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ.

3.1. ke...an конфиксининг грамматик таҳлили.

3.2. men...kan ва men...i конфикслари ўртасидаги фарқлар ва уларнинг қўлланилиши.

3.3.1. Шарифа Хаснах Абдуллоҳ ижодий фаолияти ва унинг “Севимли онам” романи ҳақида.

3.3.2. Шарифа Хаснах Абдуллоҳнинг “Севимли онам” (Ibu yang kusayang) романининг биринчи боби асосида аффиксларнинг лингвистик-миқдорий таҳлили.

3.3.3. Рмандаги аффиксларнинг ўзакка бирикиш усули ва аффиксли сўзлар маъноси.

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ИЛОВА


КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, ўзига хос ва ўзига мос ривожланиш йўлини танлаб олди. Бў ривожланиш йўлидаги ҳаракатлар бугунги кунда ўз ижобий натижаларини кўрсатмоқда. “Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин”, деб Президентимиз Ислом Каримов ҳам таъкидлаб ўтганлар.¹ Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси жуда кўп давлатлар билан дипломатик муносабатларни ўрнатган бўлиб, бу давлатлар орасида дунё иқтисодиётига катта таъсир қилувчи Малайзия Қироллиги муҳим ўринни эгаллайди. Малайзия Ўзбекистоннинг Жанубий Шарқий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан бири саналади. Мана 18 йил бўляптики мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб келмоқда. Малайзия билан мамлакатимиз орасидаги муносабатлар нафақат сиёсий ва иқтисодий муносабатларга, балки таълим ва маданият алмашинувида асосланади. Малайзия иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторига киради, шу билан бирга юксак тарихий маданиятга эга бўлган давлатлардан биридир. Давлатларимиз ўртасидаги турли муҳим соҳаларни қамраб олган дипломатик муносабатларни ўрнатар экан, алоқалар янада ривожланиб, ижобий натижаларга эришишда юртимизда тажрибали кадрлар, хусусан, малайзия тили мутахассисларига эҳтиёж катта. Шу билан бирга, малайзия тилини ўрганувчилар учун унинг грамматикаси, тарихи ва бошқа соҳаларига оид китоб ва дарсликларга талаб ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган китоб ва дарсликларнинг

¹ “Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Ислом Каримов, Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009

кўпчилиги рус ва инглиз тилларида бўлиб, баъзида ўрганиш давомида қийинчиликлар туғдиради. Малайзия тили грамматикасида аффикслар муҳим ўрин эгаллайди.

Малайзия тили австронез тиллари оиласига мансуб бўлиб, Малайзия ва Индонезия ҳудудларида минг йиллардан буён қўлланилиб келинмоқда.²



Австронез тиллари Малай архипелаги (Индонезия, Филиппин) Малакка ярим ороли (Малайзия, Сингапур, Бруней Даруссалам) Ҳинди Хитойнинг жанубий туманларида, Тайвань ва Мадагаскар ороли ҳамда Океаниянинг кўпгина оролларида кенг тарқалган. Австронез тиллари оиласи ундаги тилларнинг хилма-хиллиги, кўплиги билан бир қаторда, мазкур тилларда сўзлашувчилар сонининг кўплиги жиҳатидан ҳам йирик тил оилаларидан бири ҳисобланади. Мазкур тил оиласи таркибида 1100 дан ортиқ тиллар мавжуд бўлиб, ушбу тилларда сўзлашувчиларнинг умумий сони 240 млн. кишидан иборат. Малайзия тили

² www.BahasaMelayu.com

мазкур тил оиласининг ўзида кўплаб тил гуруҳларини мужассамлаштирган Нусантара (малайча “nusa”- “ватан, она ер” , “antara” – “оралиғи, атрофи”) тармоғига мансуб бўлиб, мазкур тармоқда тахминан 200-300га яқин тиллар мавжуд.

Нусантара тармоғи 16 та гуруҳдан иборат бўлиб, қуйида малай тили мансуб бўлган гуруҳ тиллари кўрсатилган:

Суматра гуруҳи: ачех, батак, минангкабау, *малай*, ниас, лампунг ва оранг лаут (денгиз одамлари) тиллари.

Малай тилининг келиб чиқиши ҳақидаги бир гуруҳ олимларнинг фикрига кўра, Юнонистондан милoddан аввалги 2500 йилда бир гуруҳ малай тилида сўзлашувчи одамлар Жанубий Шарқий Осиё худудига келиб жойлашганлар. Кейинчалик тахминан милoddан аввалги 1500 йилда иккинчи гуруҳ одамлар мазкур худуднинг соҳил ва водийларига ўрнашганлар. Биринчи гуруҳ Малай Прото ва иккинчи гуруҳ Малай Деутро деб номланиб, бу гуруҳлар биргаликда австронезия гуруҳини ташкил қилган. Малай тили Малай архипелагида пайдо бўлганлиги ҳақидаги яна бир фикрга кўра , Ява оролидан минг йилга тенг одам қолдиғининг топилганлиги Малайя оролларида одамлар қадим даврлардан бери истиқомат қилганликларини маълум қилади.³

Малайзия тилининг бугунги кундаги мавқеи, унинг дунё тиллари сафидаги ўрни, роли ҳақида сўз юритишдан аввал малайзия тилининг тараққий этиш босқичлари ҳақида сўз юритиш аҳамиятга лойиқдир. Бу борада олимлар фикрича, Жанубий Шарқий Осиёга ҳинд маданияти, дини билан бирга ислом динининг ҳам кириб келиши, шунингдек, Европа мустамлакачилари ҳукмронлиги даврларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки тарихда бўлиб ўтган воқеалар туфайли малайзия тили қадим, мумтоз ва замонавий малайзия тилига ажралади. Тилшунослар малайзия тилининг ривожланиш даврини уч босқичга бўладилар ва ҳар бир босқичнинг белгиси, асосий жиҳатлари мавжуд. Масалан, қадим малай тилига санскрит ва хиндуизмнинг кучли таъсири бўлган. Мумтоз (классик) малай тилига эса

³ Farid Osman.Tatabahasa Dewan Edisi Baharu. Dewan Bahasa dan Pustaka.KL.2004.hl.25-67.

ислом дини ва араб ёзувининг таъсири ниҳоятда улкан аҳамият касб этган. XIII асрда араб ва форс савдогарлари орқали Малакка ярим оролига ёйилган ислом дини, араб ёзуви асосида джави ёзуви шаклланди. Джави – модификацияга учраган, яъни шакли ўзгарган араб алифбоси бўлиб, малайзия тилини ёзувда ифодалаш учун кўп асрлардан буён Малайя архипелаги ҳудудида ҳозирга қадар қўлланилиб келинмоқда.

Бугунги кунда джави алифбоси Бруней-Даруссулам давлатининг иккита расмий ёзув системасидан бири ҳисобланади, шунингдек, Малайзия, Филиппин, Индонезия ва Сингапурда чекланган ҳолда, асосан, диний мақсадларда қўлланилади. Шунингдек, замонавий малайзия тили кўпроқ Ғарб мустамлакачилиги, хусусан, инглиз тили таъсири остида ривожланди. Юқоридаги тиллар билан бирга 1641 йилда Малайзияни мустамлака қилган голландлар тили ҳам малайзия тилига ўз таъсирини кўрсатган. Кўпгина чет тиллари таъсирида малайзия тилининг асл табиати ўзгарган ва унинг луғат таркибида юқорида айтиб ўтилган тиллардан ўзлашган сўзларнинг сони талайгина. Шу билан бирга, бу тилни ўрганувчилар тилнинг морфемик сатҳидаги турли туман қўшимчаларнинг қўлланилиши, хусусиятларидаги қийинчиликларга дуч келишлари табиий. Бу ҳолатни бир оз бўлсада енгиллаштириш, ўрганувчиларга тил ўлганишнинг осон йўллари кўрсатишга хизмат қилиши боис мазкур мавзунинг долзарблиги каттадир.

Бугунги кунда малайзия тили Малайзия, Индонезия, Бруней Султонлигининг миллий тили бўлиши билан бирга Сингапурнинг тўрт расмий тили(инглиз, хитой, тамил, малайзия тиллари) дан бири ҳисобланади. Шунингдек, малайзия тили халқаро аҳамиятга эга бўлган катта ташкилотлар тили мақомини олишга номзодлик қилмоқда. Бунинг исботи тариқасида, 2004 йилнинг бошида Малайзиянинг Dewan Bahasa dan Pustaka (Тил ва Адабиёт Нашриёти) ва МАВВАМ ташкилотлари томонидан малайзия тили – ASEAN (Жануби шарқий Осиё миллатлари ташкилоти) нинг расмий тили сифатида фаолият юргизиши масаласи муҳокамага қўйилганлигини айтиб ўтиш мумкин. Чунки ASEAN ташкилоти қамраб олган ҳудуднинг ярим аҳолиси малайзия тилида сўзлашади.

Шунингдек, малайзия тили билан тенг равишда “малай тили” атамаси – “Bahasa Melayu” ҳам халқ орасида кенг қўлланилади.

Магистрлик ишининг предмети ва объекти. Диссертация ишининг предмети малайзия тилидаги аффиксларнинг морфонематик, грамматик хусусиятлари, гапдаги маънолари, қўлланилишини чуқур ўрганишдан иборат.

Диссертация ишининг объекти жаҳон тилшуносларининг аффикслар мавзусидаги назарий асарлари, тадқиқот ишлари; малайзия, инглиз, рус тилларидаги терминологик, изоҳли луғатлар, лингвистик энциклопедиялар; малайзия тилида нашр этилган, адиба Шарифа Хаснах Абдуллоҳнинг “Севимли онам” романи; интернет манбалари.

Магистрлик ишининг ўрганилганлик даражаси. Диссертацияни ёзиш жараёнида биз кўплаб инглиз, рус, малайзия ва ўзбек тилида ёзилган манбаларни кўриб чиқиб, улар орасидан малайзия, инглиз, рус тилида ёзилган манбалардан таржималар диссертациянинг асосини ташкил қилади. Буларга, Т.В.Дорофееванинг рус тилида ёзилган “Учебник малайского языка”, Осман Сулаймоннинг инглиз тилида ёзилган “Malay for everyone”, Шарифа Хаснах Абдуллоҳнинг оригинал тилдаги “Севимли онам” (“Ibu yang kusayang”), Асраф Заитоннинг “Sistem Bahasa” малайзия тили грамматикаси ва бошқа манбалар киради.

Магистрлик ишининг мақсад ва вазифалари. Магистрлик иши “Малайзия тилидаги аффиксларнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган бўлиб, ишни ёзишдан мақсад – аффиксларнинг қўлланилишидаги хусусиятларни очиб бериш, уларнинг морфонематик, грамматик қонуниятлари, аффиксларда учрайдиган ўзгаришларнинг сабаблари, шунингдек, Шарифа Хаснах Абдуллоҳнинг “Севимли онам” (“Ibu yang kusayang”) асарининг биринчи боби асосида қилинган таҳлиллар билан малайзия тилида аффиксларнинг ўрнини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқот ишининг янгилиги. Диссертацияни ёзиш жараёнида кўпгина чет-эл адабиётлари, мақолалар таржима қилиниб, бугунги кунда бу мавзу юзасидан ҳали ўзбек тилида ёзилмаган маълумотлар олинди. Диссертацияда малайзия тилидаги аффиксларнинг хусусиятлари, уларнинг маънолари батафсил ўрганилиб, малайзия тилидаги романнинг биринчи боби асосида лингвистик-миқдорий таҳлил ўтказилди. Таҳлил натижасида кўп ва кам қўлланиладиган аффикслар рўйхати тузилди ва уларнинг маънолари келтирилди.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Диссертация иши кириш, асосий қисм, хулоса, қўлланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат бўлиб, асосий қисм 3 бобга ажратилган. Биринчи боб, 4 фаслдан иборат бўлиб, уларда малайзия тилида ўтимли ва ўтимсиз феъл ясовчи ҳамда от ясовчи префиксларнинг морфонематик хусусиятлари, грамматик таҳлили ёритилган. Иккинчи боб учта фаслдан иборат бўлиб, суффикс ва инфиксларнинг грамматик таҳлили, уларнинг қўлланилиши очиқ берилган. Учинчи боб 3 та фаслдан иборат бўлиб, конфиксларнинг ясалиши, маънолари, гапда қўлланилиши ва улар ўртасидаги фарқлар ёритилган. Шунингдек, Шарифа Хаснах Абдуллоҳнинг “Севимли онам” (“ Ibu yang kusayang ”) асарининг биринчи боби асосида қилинган таҳлиллар, романда қўлланилган аффиксли сўзлар таржимаси , уларнинг ўзакка бирикиш усули келтирилган. Илова қисмида мавзу юзасидан аффиксларнинг жадваллари ва роман I бобининг таржимаси келтирилган.

Тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишида аффикслар, уларнинг турлари, сўз ўзагига қўшилиш қоидалари, қўлланилиши ўрганилиб, далиллар асосида тушунтирилган.

Амалий жиҳатдан мазкур диссертация ишидан олий ўқув юртларида аффиксларнинг қўлланилиши, морфонетатик ва грамматик хусусиятларини ўрганиш давомида қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

I БОБ. ПРЕФИКСЛАРНИНГ МОРФО-ФОНЕТИК, ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ

1.1. meN-, ber- префиксларининг ўзакка бирикиш қоидалари.

Малайзия тили агглютинатив-префиксал тилдир. Аффиксларга бой, гапда сўзларни бир-бирига боғлаш ва янги сўз ясаш учун қўшимчалардан фойдаланадиган тиллар – агглютинатив тиллар деб юритилади. Агглютинация – (лотинча “agglutinatio” – “ёпиштириш, елимлаш”) ўзакка асосан ясовчи ва турловчи қўшимчалар қўшиш йўли билан янги сўз ясаш ва турлаш усули.⁴

Малайзия тили қўшимчалари турларининг кўплиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари борлиги билан бошқа тиллардан ажралиб туради. Мазкур тилда янги сўзларнинг ҳосил бўлишида аффиксация усулидан кенг қўлланилинади. Аффиксация олимлар фикрича, тилларда энг кўп тарқалган восита бўлиб, ўзакка қўшимчалар қўшилишидир.⁵ Ф.Ф. Фортунатовнинг фикрига кўра, “ аффиксга нисбатан негиз ҳисобланган сўзнинг бир қисмини ўзгартирадиган сўз қисми аффиксдир.”⁶ Е.А. Земскаянинг таъкидлашича, “тилнинг қурувчи элементлари, яъни аффикслар деб, шундай элементларга айтиладики, у икки ёки ундан ортиқ турли ўзакларда учрайди, бироқ сўзларда семантик жиҳатдан боғлиқлик бўлади.”⁷ А.А. Реформатскийнинг фикрига кўра, “ аффикслар –бу грамматик маънога эга

⁴ М.В.Лазова. Русча- ўзбекча луғат. Чет тил ва миллий тил. Т.:1953.Б.- 20.

⁵ Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент. Ўқитувчи. 1992.Б.-45-49.

⁶ Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. - М., 1957. - Т.2. - С. 72.

⁷ Земская Е.А. Понятие производности, оформленности и членимости основ // Развитие словообразования современного русского языка. - М., 1966.

бўлган морфемалардир.”⁸ Ю.С. Масловнинг таъкидлашича, “ аффикс – барча ўзаксиз сегмент морфемалар учун умумий атамадир.”⁹

Аффикслар сўз ўзагига нисбатан жойлашиши нуқтаи назаридан префикс, постфикс, конфикс ва инфиксларга ажралади. Префикслар – сўздан олдин, постфикслар – сўздан кейин, конфикслар – сўзнинг ҳам олдида ҳам охирида ва инфикслар – сўзнинг ичида жойлашиб янги сўз ясашга хизмат қилади. Агглютинатив тиллар аффиксларнинг ўзакдан олдин ёки кейин туришига кўра префиксал-агглютинатив тиллар ва постфиксал агглютинатив тилларга бўлинади.

Туркий тиллар, хусусан ўзбек тили постфиксал-агглютинатив тилдир. Масалан, гулзор, синфдош, ишчи, кўчадан, одобли сўзларида қўшимчалар ўзакдан кейин жойлашган.

Малайзия тили эса префиксал-агглютинатив тилдир. Масалан, *melihat, bertanya, ketua, penyakit, terangkat, dinama* (кўрмоқ, сўрамоқ, бошлиқ, касаллик, олмоқ, номланган) сўзларида қўшимчалар ўзакдан олдин ўрин олган. Агглютинатив тилларнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, бир аффикс маълум бир грамматик маъно ифодалайди. Масалан, ўзбек тилидаги -ёз-яп-м-ан сўзида –яп – замон кўрсаткичи, -м – шахс кўрсаткичи, -ан – сон кўрсаткичидир. Малайзия тилидаги *tulisan, berkata, telunjuk, pelajaran, kewangan* сўзларида ажратиб кўрсатилган қўшимчалар от ясовчи, феъл ясовчи қўшимчалардир.

Маълумки, қўшимчалар маъно ва вазифасига кўра 3 типга: сўз ясовчилар, форма ясовчилар ва сўз ўзгартувчиларга бўлинади. Форма ясовчиларга кичрайтириш, эркалаш, феълнинг сифатдош ва равишдош формалари, сифат ва равиш категориялари формалари кабилар кириб, сўз ўзгартувчиларга отнинг келишиқ, эгалиқ формалари ва феълнинг шахс-сон формалари киради. Сўз ясовчилар бир нечта тамойил асосида таснифланади: қайси туркумга оид сўзлар ясашига кўра (от ясовчи, феъл ясовчи..), қандай маъноли отлар ясашига

⁸ Реформатский А.А. Введение в языкознание. - М., 1967. - С. 263.

⁹ Маслов Ю.С. Введение в языкознание. - М., 1987. - С. 134.

кўра (нарсa оти ясовчи, ўрин оти ясовчи.. каби), қандай негизлардан отлар ясашига кўра (отлардан, сифат ёки феъллардан ва ҳоказо)¹⁰.

Малайзия тилида қўшимчаларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. *Awalan* - олд қўшимча (префикс)
2. *Akhiran* - орқа қўшимча (постфикс)
3. *Sisipan* - сўз ўртасидан қўшиладиган қўшимча (инфикс)
4. *Apitan* - сўзнинг ҳам олдига ҳам охирига қўшиладиган қўшимча (конфикс)

Awalan, яъни префикс ўзакнинг олдига қўшилади. Масалан, *berjalan* (сайр қилмоқ, юрмоқ) феълидаги *ber-* ва *terambil* (кўтармоқ) феълидаги *ter-* қўшимчалари (малайзия тили); *impolite*

(адабсиз, назокатсиз, қўпол) сўзидаги *im-* ва *displease* сўзидаги *dis-* қўшимчалари (инглиз тили); *беғубор* ва *ноўрин* сўзларидаги *бе-* ва *но-* қўшимчалари (ўзбек тили); *перечитать* ва *починить* сўзидаги *пере-* ва *по-* қўшимчалари (рус тили).

Akhiran, яъни постфикс ўзакнинг охиридан қўшилади. Масалан, ўзбек тилидаги *синфдош* ва *пахтадан* сўзларидаги *-дош* ва *-дан* қўшимчалари; рус тилидаги *спутник*, *белый* сўзларидаги *-ник* ва *-ый* қўшимчалари; малайзия тилидаги *lautan*, *terjemahkan* сўзларидаги *-an*, *-kan* қўшимчалари; инглиз тилидаги *quickly*, *goodness* сўзларидаги *-ly*, *-ness* қўшимчалари.

Sisipan, яъни инфикс ўзакнинг ичига қўшиладиган қўшимча тури бўлиб, малайзия тилидаги *gemuruh* сўзидаги *-em-* ва тагалог тилидаги *gumunting* сўзидаги *-um-* қўшимчалари инфиксларга мисол бўлади.

Apitan, яъни конфикс бир пайтнинг ўзида ўзакнинг ҳам олдига, ҳам орқасига қўшиладиган аффикс туридир. Масалан, малайзия тилидаги *ber...kan* ва *ke...an* қўшимчалари конфикс ҳисобланади.

¹⁰ Бу жиҳатдан қўшимчалар кўп маъноли сўзларга ўхшайди. Кўп маъноли сўзлар нутқда реаллашар экан, фақат бир маъноси билан қўлланган бўлади.

Кўпчилик малай тилидаги сўзлар икки бўғинли ўзак морфемаларли сўзлар бўлиб, гапда ҳеч қандай ўзгаришларсиз қўлланилиши мумкин. Ўзак сўзлар от, феъл ва сифат сўз туркумига мансуб бўлиши мумкин. Шунингдек, ўзакка маълум қўшимчалар қўшилиб улар бошқа бир сўз туркумидаги сўзга айланиши мумкин ва ўзга бир маънони англатиши мумкин.

Малайзия тилидаги матнларда кўп қўлланиладиган қўшимчалардан бири бу *meN-* (*N* белгиси охириги товуш ўзгарувчанлигини билдиради) феъл ясовчи қўшимчасидир. Юқоридаги қоидалардан келиб чиқиб аниқлаштирак, *meN-* сўз ясовчи қўшимча бўлиб, вазифасига кўра турли сўз туркумларидан ўтимли феъл яшаш учун хизмат қилади.¹¹

Префикснинг ўзакка бирикиш усули

Префикс ўзакка қўшилганда морфонемотик ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгариш сандхи, яъни “товушлар бирикуви ёки уйғунлашуви” деб аталади.¹² Сандхи қоидаи малайзия тилига ҳинд тили грамматикасидан ўзлашган бўлиб, унга кўра янги сўз яшаш учун қўшилган бир сўз (ёки морфема)нинг охириги товуши ва бошқа сўз (ёки морфема)нинг бошланғич товушидаги фонетик ўзгаришлар қонуниятлари тушунилади. Асосан санскритдан олинган сўзлар ва морфемалардагина сандхи қоидаи кўра янги сўз ясалади. Мазкур қоидаи малайзия тили грамматикасида мавжудлиги, қадимда унга санскрит тилининг таъсири жуда катта бўлганлигининг исботидир.

Сандхи қоидаи кўра қуйидагилар бирикиши мумкин:

а) унлилар (яъни бир сўз ёки морфеманинг охириги унлиси билан иккинчи сўз ёки морфеманинг бошланғич унлиси);

¹¹ Т.В.Дорофеева, Е.С.Кукушкина. Учебник малайского (малайзийского) языка. МГУ Издательский дом «Гуманитарий», 2006.Стр.69-71.

¹² О.Н. Шоматов. Ҳиндий тили меъёрий грамматикаси. ТошДШИ. Тошкент 2010. Б.21-22.

б) ундошлар (яъни бир сўз ёки морфеманинг охирги ундоши билан иккинчи сўз ёки морфеманинг бошланғич ундоши ёки унлиси).

Ундошлар учун гоморганлик тамойили устунлик қилади (бир хил нутқ аъзолари билан талаффуз қилиш). Префикснинг маълум варианты сўзга қўшилганда негизнинг бошланғич жарангли товуши қолиб, жарангсизи тушиб қолади. Бу қуйидаги тартибда бўлади:

- Лаблашган: m – b – p
- Альвеоляр: n – d – t
- Тил орқа: ng – g – k
- Тил ўрта: ny – s

Қолган ундошлар, шунингдек, ўзлашганлар ҳам, артикуляциянинг яқинлашуви асосида бирикади. Барча унлилар олдидан префикснинг фақат *meng-* варианты, бурунлашган, тебранувчан ва ярим унли товушлар олдидан *me-* варианты қўшилади.

префикс тури	ўзакнинг бошланғич харфи	ўзакнинг бошланғич товушининг ўзгариши	Мисоллар
mem-	b, f, v	Қолади	-bawa - membawa (олиб келмоқ) -potong - memotong
	p	Тушади	
men-	d, j, s, sy, z	Қолади	-jual-menjual сотиб олмақ -taruh - menaruh Қўймоқ
	t	Тушади	
meng-	g, h, kh, gh	Қолади	-ambil - mengambil олмоқ

	+ унлилар k	Тушади	-karang - mengarang
meny-	S	Тушади	-simpan - menyimpan Сақламоқ
me-	m, n, ny, ng, l, r w, y	Қолади	-lihat - melihat Кўрмоқ

Малайзия тилида ўтимли феъллар бу ўзидан кейин воситасиз тўлдирувчини талаб қиладиган, аниқ ва мажхул нисбат шакллари бўлган феъллардир. Аниқ нисбатдаги конструкцияда феъл-кесим *men-*префиксли аниқ нисбат шаклида бўлади ва бундай кесимли гапларнинг эгаси иш-ҳаракатнинг субъекти (бажарувчиси) маъносини англатади. Объект воситали тўлдирувчи билан ифодаланади ва доим феълдан кейин жой олади. Ўзбек тилидаги гапларда кузатиладиган сўз тартибининг турли вариантлари мавжудлиги ўлароқ, малайзия тилида тўлдирувчи ҳеч қачон феълдан аввал келмайди.

Буни қуйидаги гапларда таққослашимиз мумкин:

Saya membeli buku kepada awak. – “Мен сенга китоб олиб бераман (Китобни сенга мен олиб бераман/ Сенга китобни мен олиб бераман).”

Агар аниқ нисбатдаги конструкция сўроқ гапда қўлланилса, сўз тартиби қандай бўлса шундайлигича қолаверади. Ўзбек тилида эса сўз тартиби ўзгариши ҳолатини ҳам учратиш мумкин. Қуйидаги гапларда фикримизнинг исботи таққослаб берилган:

Dia membawa apa kepada awak? – “Нимани у сенга олиб келди?”

Engkau membeli bunga apa? – “Қандай гул сотиб олдинг?”

Ber - префикси

ber- қўшимчаси ҳам *men-* префигкси каби кенг қўлланилади. *ber-* префигксининг *be-*, *bel-* фонетик вариантлари мавжуд. *be-* шакли “*r*” билан бошланадиган сўзлар ва биринчи бўғини “*r*” билан тугайдиган сўзларга қўшилади. *bel-* шакли фақат сўзларида учрайди.¹³ Юқоридагилардан бошқа ҳолларда *ber-* шакли қўлланилади. *ber-* префигкси қуйида кўрсатилганидек *be-* ёки *bel-* га ўзгариши ёки фақат *ber-* шаклида қолиши мумкин:

Префигкс	Ўзак сўз	Мисол	Ўзбек тилидаги маъноси
<i>ber-</i>	rasa	berasa	ҳис қилмоқ
	kerja	bekerja	Ишламоқ
	rumah	berumah	Уйли
	serta	beserta	Иштрок этмоқ
<i>Bel-</i>	Ajar	belajar	Ўрганмоқ
	unjur	belunjur	Stretch out one’s leg

	asap	berasap	Тутун чикмоқ
	bunga	berbunga	Гулли
	cuti	bercuti	Таътилга чикмоқ
	Doa	berdoa	Дуо қилмоқ

¹³ Т.В.Дорофеева, Е.С.Кукушкина. Учебник малайского(малайзийского) языка. МГУ Издательский дом «Гуманитарий», 2006.Стр.69-71

<i>Ber-</i>	emak	Beremak	Онаси бор (онали)
	faedah	berfaedah	Фойдали
	gambar	Bergambar	Расмли
	harga	Berharga	Қимматли
	ikat	Berikat	Боғламоқ
	jual	berjual	Савдо-сотиқ билан шуғуланмоқ
	kasut	berkasut	Оёқ кийимли
	lari	berlari	Чопмоқ
	minat	Berminat	Қизиқмоқ
	nyanyi	Bernyanyi	Куйламоқ
	ombak	berombak	Тўлқинланмоқ

Ўзбек тилида шаклан бир хил, аммо вазифадош аффикслар борлиги маълум.

Масалан: -и I) феъл ясовчи; бойи, тинчи; -и II) - сифат ясовчи: қишлоқи, сайроқи кабилар (кўринадики, бу мисолларда иккита аффикс ҳақида сўз юритиляпти) Малайзия тилидаги *ber-* қўшимчаси ҳам икки маънодаги феълларни ифодалайди.

1) Биринчи гуруҳ феъллар фақат отлардан ясалади ва мана шу от ифодалаган нарсага эга бўлиш, бор бўлиш ҳамда ундан ўз мақсадига кўра фойдаланишни ифодалайди. Масалан: *baју* - “кўйлак” - *berbaју* “кўйлак кийиш, кийиниш /кўйлак кийган бўлиш” ; *keluarga* “оила” – *berkeluarga* “оиласи бор; оилали”. Бундай феъллар нутқда осон ясалади ва сўз бирлиги сифатида баҳоланмайди.

Ber- префикси аниқловчиси бор отларга ҳам қўшилиши мумкин, масалан: *muka cantik* “чиройли юз” – *bermuka cantik* “чиройли юзга эга бўлиш, чиройли юзли.”

Бундай феълларда *ber-* префикси ҳеч қачон тушириб қолдирилмайди.

Қуйида бор бўлиш маъносини ифодалаган кесим қатнашган гапни имсол тариқасида келтирамиз: *Bilik itu berpintu dua = Bilik itu pintunya dua buah* “Бу хонанинг икки эшиги бор”.

2) иккинчи гуруҳ феъллар “бирор ҳолат ёки жараёнда бўлиш; бирор иш-фаолият билан шуғулланиш” маъносини ифодалайди ва қуйидаги негизлардан ташкил топиши мумкин:

- отлардан: *jalan* “кўча, йўл” – *berjalan* “юриш, бориш”; *kata* “сўз” – *berkata* “айтмоқ, сўзламоқ”; бу каби феълларда *ber-* префикси осон тушириб қолдирилиши мумкин.

- ўтимсизлик маъносидаги ўзак феъл морфемалардан: *main* – *bermain* “ўйнамоқ”, *ada-berada* “жойлашмоқ”; бу феълларда ҳам *ber-* префикс тушиб қолиши мумкин ва феъл ўзаги содда феълга айланади.

- ўтимлилик маъносидаги ўзак феъл морфемалардан: *tolak* “итариш” – *bertolak* 1) “итарилиш”, 2) “жўнаб кетиш”; *jual* “сотиш” – *berjual* “савдо билан шуғулланиш”.

Мазкур гуруҳ феълларидан кейин тўлдирувчи келиши мумкин: *bermain bola* “тўп ўйнамоқ”; *belajar bahasa* “тил ўрганмоқ”. Гапнинг буйруқ шаклида *ber-* қўшимчаси сақланиб қолади: *Belajar baik-baik* “Яхши ўқи!”

Қуйида бир хил негиздан ҳосил бўлган *ber-* ва *men-* қўшимчаларининг қўлланилиши таҳлилини мисолларда кўриб чиқамиз:

1. *Pagi tadi saya lambat bangun dan tidak sempat bercukur.*

(сокол олишга улгурмадим) – *Kerja tak banyak, dan saya pergi ke kedai tukang cukur yang mencukur saya.* (сартарош мени соқолимни олди)

2. *Anak-anak kecil suka berlawan lari.* (Болалар қувлашишни ёқтиришади) – *Orang muda Melayu biasanya tidak melawan kata ibu-bapa meneka.* (Малайзиялик ёшлар ота-она сўзини қайтаришмайди.)

3. *Semalam saya menjual kereta lamasaya.* (Кеча мен эски машинамни сотдим.) – *Orang Cina yang berjual kereta itu paling kaya di kota kita.* (Шаҳардаги энг бой саналган бу хитойлик одам машина савдоси билан шуғулланади.)

4. Orang Melayu menanam padi pada musim hujan.(Малайзияликлар гуручни ёмғир мавсумида экадилар.) – Orang yang tinggal di luar Bandar ramai yang bertanam padi. (Шаҳар ташқарисида яшайдиган одамларнинг кўпчилиги гуруч экиш билан шуғулланадилар.)

5. Kami membayar lima ringgit untuk masuk muzium itu. (Музейга кириш учун 5 рингит(ни) тўладик) – Bil telefon keluarga itu beberapa bulan tidak membayar.(Бу oilанинг телефон ҳақи бир неча ойдан бери тўланмаган.)

6. Meja yang indah ini berbentuk bunga.(Бу чиройли стол гул шаклида.) – Untuk membuat kerja yang susah ini kami mahu membentuk sebuah kumpulan. (Бу қийин ишни бажариш учун биз бир гуруҳ(ни) тузишни ҳоҳлаймиз.)

Ber- қўшимчали ўтимли феъллар, асосан, феъл бўлмаган негизлардан ясалади ва қуйидаги маънони билдиради:

- негиздан англашилган маънодаги белги ва хусусиятга эга бўлган ҳолат, жараён. (hijau - яшил, menghijau - кўк кўкармоқ) ;
- бир нарсага ўхшаш (batu- тош, membatu - тошга айланиш, тош бўлиб қолиш);
- бир нарсага яқинлашиш (darat- қуруқлик, mendarat – қуруқликка қўниш).

Юқоридаги мисоллардан маълум бўлишича, ber- префикси ўтимсиз феъл яшашда ва men- префикси ўтимли феълларни яшашда қўлланилади. Ўзбек тилида ҳам “китоб(ни) ўқимоқ” ; “савол(ни) бермоқ” каби ўзидан кейин воситасиз тўлдирувчига эга бўлган ўтимли феъллар ва “ухламоқ”; “чўмилмоқ” каби воситасиз тўлдирувчини олмайдиган ўтимсиз феъллар бор. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, малайзия тилидаги мазкур феъл ясовчи қўшимчалар барча қўшимчалар орасида энг кўп қўлланилади.

1.3. reN- , per-, pe- префиксларининг грамматик таҳлили.

reN- префиксининг ясалиши.

reN- префиксининг re-, rem-, reng- , renge-, renyu- вариантлари бор бўлиб, улар me-, men-, met-, meng-, menge-, meny- префикслари билан боғланган.

reN- префикси сўз ўзагига қўшилиш пайтида турли шакллarga ўзгаришини қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз:

Префикс	Ўзакка бирикиш қоидаси	Мисоллар
ре-	l, m, n, r, пу, w харфлари билан бошланадиган сўзларга қўшилади	Pelawat - Ташриф буюрувчи Pemarah - Жахлдор шахс Penaung - Қўриқчи, ҳимоячи Penyata - Ариза, расмий ҳисобот Perahsia - Сир сақловчи Pewaris – Ворис
рем-	b, f харфлари билан бошланадиган сўзларга қўшилади	Pembaca - Китобхон Pembakar - Ўт қўювчи Pemfitnah - Фитначи
peng-	a, e, i, o, u, g, h, kh харфлари билан бошланадиган сўзларга қўшилади	Pengasuh - Тарбиячи Pengedar - Мол етказиб берувчи Pengikat - Илгак, бандак,скрепка, кнопка Pengolah - Бирор иш бажарувчи Pengukur - 1)ўлчовчи шахс 2) чизғич Penghasut - Ташвиқотчи Pengkhayal - Ҳаёлпараст

penge-	Бир бўгиндан иборат сўзларга қўшилади	Pengebom - Портлатувчи одам Pengecat - Бўёқчи Pengelar – Артувчи , фаррош
pen-	c, d, j, sy, z	Pencatat - Рўйхатдан ўтказувчи Pendengar – Тингловчи Penjaga – Қўриқчи Pensyarah – Маърузачи Penziarah – Зиёратчи
peny-	s харфи билан бошланадиган сўзларга қўшилади	Penyakit – касаллик

Ўзбек тилида *супурги, чолғу, тепки* сўзлари нарса- курол маъносидаги отларга мисол бўлади. Шу ўринда бу сўзлардаги *-ги, -ки* қўшимчалари *кузги, баҳорги, пастки, остки* сўзларида ўрин ёки пайтга муносабатни ифодаловчи сифатлар ҳам ясайди. Бу аффикслардаги полисемия(кўпмаънолилик) хусусиятидир.¹⁴ Аффикслардаги кўпмаънолилик дейилганда, одатда, маълум бир аффикснинг битта вазифада қўллаганда, турли маъноларни ифодалаши тушунилади. Малайзия тилидаги *peN-* префикси (*awalan peN-*) ҳам кўп маъноли аффикс бўлиб, гапда иш-ҳаракатни бажарувчи шахсни ифодаловчи шахс-оти ва бирор иш - ҳаракатни амалга ошириш учун қўлланиладиган нарса- курол отини ясайди. Префикснинг бу икки маъноси қуйидаги мисолларда равшан бўлади.

1) шахс оти :

¹⁴ Мирзакулов Т. Грамматика ўқитишнинг лингвистик асослари.Ўқитувчи. 1994. Б.15-41.

men- феъл ясовчи префикси ҳосил қилган сўзларда англашган маънодаги ишҳаракат бажарувчиси:

Membeli “сотиб олмоқ” - pembeli “сотувчи” ; menulis “ ёзмоқ” – penulis “ёзувчи” ;

Penulis Usman Awang mengarang drama “Uda dan Dara” yang masyhur ke segala negeri Malaysia. **Pembacanya** ramai sekali. Усмон Аванг бутун Малайзияга машхур “Uda dan Dara” драмасини ёзган. Унинг мухлислари жуда кўп.

2) men- феъл ясовчи префикси ҳосил қилган сўзларда англашган маънодаги нарса-қурол оти:

Sapu “супуриш ” - penyapu “супурги” ; tukul “уриш” – penukul “болға”

Kita menyapu lantai dengan **penyapu**. Биз полни супурги билан тозаладик.

peN- қўшимчали сўзнинг ўзаги сифат ёки феъл сўз туркумига мансуб бўлса, негиздаги маъно префикс қўшилгандан сўнг ҳосил бўлган сўзда ҳам сақланади. Масалан, bersih “тоза” – pembersih “тозаловчи шахс;фаррош ” ; tidur “ухламоқ” – penidur “уйкучи” ; malas “дангаса – remalas “ ялқов, дагнаса одам”.

per- префиксининг ясалиши

peN- префикси ўтимли феъллар билан боғлиқ бўлса, per- префикси ўтимсиз феълларга алоқадор. Per-префиксининг re- ва pel шакли мавжуд. per- префикси сўз ўзагига қўшилиш пайтида re- ёки pel шаклларга ўзгаришини қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз:

Префикс	Ўзакка бирикиш қоидаси	Мисоллар
Per-	Buru, pandang, tapa сўзлари билан келганда қўлланилади	Perburu –овчи Pertandang – ташриф буюрувчи шахс Pertapa – дарвеш, қаландар
Pel-	Ajar сўзи билан қўлланилади	Pelajar - ўқувчи

Pe-	Ber- префикси билан боғлиқ хамма сўзлар билан қўлланилади	Pedagang – савдогар Pekedai - савдогар, дўкондор Petinju - боксёр
-----	---	---

per- префиксининг маъноси

а) ber- феъл ясовчи префикси ҳосил қилган сўзларда англашган маълум иш-ҳаракатни бажарувчи шахс:

latih “машқ” – pelatih “машқ бажарувчи шахс” ; main “ўйин”- remain “ ўйинчи”;

Para *pelatih* Program Latihan Khidmat Negara bersemangat belaka. (Давлат Хизмати Машқлари Дастурининг машғулотичилари етарли даражада кучлидирлар)

б) бирор вазифани олган шахс:

suruh “буйруқ” -pesuruh “буйруқ бажарувчи” ; tuduh “айб”- petuduh “айбланувчи”.

Pesuruh itu menghantar sepersalinan baju kepada Tun Mamat. (Буйруқ топширилган шахс Тун Маматга бир бош кийим кечак юборди.)

Қуйида re- префиксининг юқорида кўрсатилган бошқа шакллари ҳам қатнашган гапларни мисол тариқасида келтириб ўтамыз:

1. Dua orang *pelajar* sekolah menengah itu disoal siasat oleh polis kerana terlibat dalam kes buli.

Ҳуқуқбузарлик воқеаси туфайли, икки нафар ўрта мактаб ўқувчиси устидан полиция ходимлари томонидан текширув савол-жавоби ўтказилди.

2. Kami tidak dapat menentukan *pesalah* dalam perkelahian antara Nasir dan ajib kerana tiada bukti yang kukuh.

Аниқ далил бўлмаганлиги сабабли, биз Носир ва Ажиб ўртасида бўлиб ўтган тортишувнинг айбдорини аниқлай олмадик.

3. Alex Yoong merupakan *pelumba* kereta Formula satu yang pertama di Negara kita

Алекс Юнг - Формула 1 даги давлатимизнинг биринчи иштирокчиси ҳисобланади.

4. Sebagai *perancang* perkhemahan ini, Sabri patut diberikan pujian kerana segala aktiviti berjalan lancar.

Боғ сайли ташкилотчиси сифатида, Сабри олқишлар айтилишига сазовор, чунки барча саъй ҳаракатлар бир маромда амалга ошмоқда.

5. Gua di pucak bukit Marak itu menjadi tumpuan *petapa* pada suatu masa dahulu.

Марак тепалигининг чўққисидаги ғор қадим даврларда дарвешларнинг тўпланадиган жойи ҳисобланган.

ре- префикси

ре- от ясовчи префикси от ва феъл негизли морфемалардан от ясайди ва ўзакка сандхисиз бирикади. Префикс бирор ҳолат ёки жараёнда бўлган шахс ёки бирор иш билан шуғулланадиган шахсни оти маъносини билдиради. Масалан, sawah “шолизорга эга бўлмоқ” - pesawah “деҳқон,шоликор” ; sakit “касал бўлмоқ” – pesakit “бемор”.

Демак юқоридаги фикрлардан шу маълум бўляптики, реп-, рег- ва ре- префикслари от ясовчи префикслар бўлиб, улар турли сўз туркумларидан от ясаши ва турли маънодаги отларни ясашига кўра аффиксал омоним ва аффиксал полисемиядир. Аффиксал омонимда шакл бир хил, маъно бошқа-бошқа бўлади . Масалан, ўзбек тилидаги -и I) қўшимчаси - бойи, тинчи ; -и II) қўшимчаси - қишлоқи, сайроқи сўзлари. Шунингдек, малайзия тилидаги ре- I) қўшимчаси penulis (ёзувчи) , penyaig (шоир) ; ре- II) қўшимчаси penukul (болға) , репару (супурги). Аффиксал полисемия эса битта шаклга эга бўлган бир аффикс ифода этган маънолар бир-бири билан боғлиқ ва улар умумий бир сема асосида туташади.¹⁵ Бунга ре- I) қўшимчаси relatih “машқ бажарувчи шахс” , remain “ ўйинчи”; ре- II) қўшимчаси resuruh “буйруқ бажарувчи” , retuduh “айбланувчи” сўзлари киради.

1.2. ke- префиксининг қўлланилиши

***Awalan ke-* (ke- префикси)**

1) **ke-** олд қўшимчасининг ясалиши.

¹⁵ Тожиев Ё. “ Ҳозирги ўзбек адабий тилида “эғалик ва эмаслик” маъносини ифодаловчи сўз ясовчи аффикслар синономияси. Филология фанлари номзоди...дис. – Т.:1974. Б.17-90

1. **ke-** олд қўшимчали сўзлар ўзакка **ke-** префиксини қўшиш орқали ясалади.

2. **ke-** олд қўшимчали сўзлар **от**, **тартиб сон**, **жамловчи сон** каби сўз туркумларини ясайди. Сўз ўзагига қўшилганда ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди. Қуйида мисоллар кўриб чиқамиз:

Hendak	kehendak	kata nama (от)
Kasih	kekasih	kata nama
Tua	ketua	kata nama
Dua сон)	kedua	kata bilangan (тартиб
Enam	keenam-enam	kata bilangan himpunan (жамловчи сон)

2) **ke-** олд қўшимчасининг маъноси.

Ke- олд қўшимчаси қуйидаги бир нечта маъноларга эга:

(а) Малайзия тилидаги **di...kan**, **di...i** қўшимчалари билар бир хил бўлиб, мажҳулликни англатади.

Kehendak = sesuatu yang dikehendaki

Ҳоҳиш = бирор ҳоҳланган нарса.

Kekasih = seorang yang dikasihi

Ёр, маҳбуб = севиловчи инсон

Ketua = seorang yang dituakan

Бошлиқ = бошлиқ этиб тайинланган шахс

Segala kehendak Norma dituruti oleh ibu baranya.(Норманинг барча ҳоҳишлари ота онаси томонидан бажарилар эди.)

1.4. ter- префиксларининг қўлланилиши.

ter- Феъл ясовчи қўшимчаси ўзакка фонетик ўзгаришсиз бирикади. Бироқ ўзак сўзнинг биринчи харфи “t” билан бошланса, “te-” шакли қўлланилади. Масалан: “хиссиёт” “ҳис қилинади”.

ter- префикси ўтимли умумий натижавийлик маъносини берадиган ўтимли ва ўтимсиз феълларни ясайди. ter- иштирок этган феъл-кесимнинг эгаси иш-ҳаракатнинг субъекти ёки объекти бўлиши мумкин. Эганинг объект бўлиб келиши, феъл қуйидаги мазмунларга эга бўлганда юзага чиқади:

1) тасодифийлик, истамай, билмасдан бажарилган ҳаракатни ифодалайди.

Saya ntertidur. “Мен ухлаб қолдим.” (билмасдан)

Saya termakan semua pil. “Мен ҳамма таблеткаларни ютиб юбордим.” (тасодифан)

2) имконият, қодирлик (агар инкор иштирок этса, маълум ишни бажаришга имконсизлик, қодир эмаслик) маъносидаги иш ҳаракатни ифодалайди. Ушбу қўшимчали сўзлар қатнашган дарак гаплардаги сўз тартиби¹⁶, одатда, тескари бўлади:

Terbaca dia buku ini. “У бу китобни ўқий олди.”

Инкор гапларда сўз тартиби тўғри ва тескари бўлиш мумкин:

Tidak terbaca dia buku ini.

Dia tidak terbaca buku ini.

“У бу китобни ўқий олмади.”

3) натижасизлик, иш ҳаракатнинг бекорга қилинишини ифодалайди. (кўпинча редупликацияга учраган ўзак билан)

¹⁶ Малайзия тилида гап тузилиши *эга-кесим-тўлдирувчи* ёки *тўлдирувчи-эга-кесим* тартибида бўлади. Ўзбек тилидан фарқли, тўлдирувчи ҳеч қачон эга билан кесимнинг ўртасида жойлашмайди. Қаранг: Т.В.Дорофеева, Е.С.Кукушкина. Учебник малайского(малайзийского) языка. МГУ Издательский дом «Гуманитарий», 2006. Стр.29-30.

Saya ternanti-nati, tapi kau tak sampai.

“Мен сени кутиб ўтирдим, лекин сен келмадинг.”

Эга – тўлдирувчи (объект) ҳаракати иш-ҳаракатнинг тугалланган мазмунига эга феъллар билан ишлатилади. Бундай феъллар кўшимча тугалланган мазмунга эга мажхул нисбат шаклини ясайди. Кесим кўпинча иш- ҳаракатнинг тугалланганлигини билдирадиган sudah кўрсаткичи билан келади. Бундай конструкцияда субъект (эга) ифода этилмайди. Tingkap itu tertutup. “Ойна ёпилган.” ; Nasi sudah tersedia. “Таом (гуруч) аллақачон тайёрланган.”

Тасодиф ва имконият маъносини берадиган баъзи ter- префиксли ўтимли феъллар, шунингдек, эга - субъект ва эга - объект шаклида 2 хил қўлланилиши мумкин:

Saya termakan semua pil ini. “Мен ҳамма таблеткаларни ютиб юбордим.”

Semua pil ini termakan oleh saya. “Ҳамма таблеткалар мен томонидан ютиб юборилди.”

Кўшимчали феълларнинг бир қисми юқорида айтиб ўтилган маъноларнинг ҳеч қайси бирига эга эмас. Уларда префикс сўз яшаш функциясини бажаради: terdapat “бор бўлмоқ, топилади.”

Рефлектор ҳаракатли ¹⁷ кўпчилик феъллар ter- префикси ёрдамида ҳосил бўлади:

Terkejut – кўрқиб кетмоқ

Tertawa – кулиб юбормоқ

Tersenyum – табассум қилмоқ

Terburu-buru – шошмоқ

Юқоридагилардан ташқари ter- префикси сифатнинг орттирма даражасини ҳосил қилади.

Paling “энг” сўзи билан бир хил қўлланилади.

Terbesar = paling besar “Энг катта”

Tertua = paling tua “Энг қадимий ; эски”

¹⁷ Рефлекс туфайли рўй берадиган беихтиёрий, ғайриихтиёрий ҳаракат.

Қаранг: Русча ўзбекча луғат. Зуфаров.К.А.,Лапкин К.И. Ўзбек Совет Энциклопедияси.Т.: 1894. Б.- 355.

II БОБ. СУФФИКСЛАРНИНГ ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ

2.1. -ан суффиксининг грамматик таҳлили.

-ан постфикси от ясовчи қўшимча бўлиб, асосан, ўрин- жой, нарсa отини ясашда иштирок этади. Малайзия тилида қўлланиладиган сўзларнинг ҳар 34 тасининг бирида маскур қўшимча мавжуд.¹⁸ -ан постфикси сўз ўзагига қўшилганда шакли ўзгармайди, яъни негизга сандхи қондасисиз бирикади. –ан постфикси турли сўз туркумларига мансуб сўзлардан от сўз туркумидаги сўзларни ясаш учун хизмат қилади. Масалан: *baca* - “ўқимоқ” (феъл) ; *bacaan* - “ўқиш, дарслик” ; *kotor* - “ифлос, кир” (сифат) *kotoran* - “ифлос нарсa, ахлат.”

Қуйида мазкур қўшимчали сўзлар иштирок этган гапларни мисол тариқасида келтириб ўтамиз:

1) *Di perpustakaan banyak terdapat buku bacaan.*

Кутубхонада ўқиш китоблари кўп топилади.

Мазкур гапда ўқиш (*bacaan*) сўзи китоб (*buku*) сўзи билан биргаликда ўқиш китоби, яъни дарслик маъносида қўлланиляпти.

2) *Bacaannya lancar sekali.*

Унинг ўқиши жуда равон.

-ан постфикси қуйидаги бир нечта маъноларни билдиради:

а) ўзакдан англашилган маъно сақланган бирор сифатдаги нарсa:

datar - *dataran*

силлиқ - яссилик, текислик, яланглик, чўл, дашт.

manis - *manisan*

ширин - ширинлик

¹⁸ Kamus Besar Bahasa Indonesia. Balai Pustaka. Departmen Pendidikan dan Kebudayaan. 1991.

Қуйида ушбу сўз иштирок этган гапни кўриб чиқамиз:

Puan Dewi menghidangkan manisan kepada para tetamu.¹⁹

Девы хоним мехмонларга ширинлик тортди.

б) ўтимсиз феълнинг натижаси:

fikir - fikiran

Фикрламоқ - фикр

Tari - tarian

Рақсга тушмоқ - рақс

Қуйида ушбу сўз иштирок этган гапни кўриб чиқамиз:

Tarian kuda kerang popular di negeri Johor.

От ўйини Жохор штатида машхур.

в) ўтимли феълнинг натижаси:

balas - balasan

Жавоб бермоқ - жавоб

Pukul - pukulan

Урмоқ - зарба

Қуйида ушбу сўз иштирок этган гапни кўриб чиқамиз:

Hasmah gembira menerima balasan surat daripada kenalannya.

Хасмах танишидан жавоб хатини олиб жуда хурсанд бўлди.

г) бажарилган бирор нарса:

makan - makanan

¹⁹ Kamus dwibahasa.Oxford Fajar. M.Hawkins.Selangor.2006.hl.101-102

Овқатланмоқ	-	таом
Suruh	-	suruhan
Буюрмоқ	-	буйруқ

Қуйида ушбу сўз иштирок этган гапни кўриб чиқамиз:

Mei Ling kurang ,gemar makan makanan yang pedas.²⁰

Мей Линг таъми аччиқ таомларни ейишни унчалик хуш кўрмайди.

д) бирор иш-ҳаракат амалга ошириладиган жой:

amrai	-	amraian
Осмоқ	-	дор
Kurung	-	kurungan

Тутмоқ, қафас (катак,қамоқ) га солмоқ - қафас

Қуйида ушбу сўз иштирок этган гапни кўриб чиқамиз:

Amraian itu tumbang sebagai akibat rebut semalam.

Дор кеча бўлиб ўтган довул натижасида узилди.

е) бирор ишни бажариш учун қўлланиладиган жиҳоз, ускуна, қурол:

main	-	mainan
Ўйнамоқ	-	ўйинчок
Ukur	-	ukuran
Ўлчамоқ	-	тарози

Қуйида –an префикси иштирок этган гапларни кўриб чиқамиз:

Adik memasukkan mainannya ke dalam bakul.

²⁰ Oxford Advanced Learner's Dictionary. A.S.Hornby.Oxford University Press. 2005.pg.344.

Укам ўйинчоқларини саватга солди.

Sajian enak itu istimewa untuk abang yang baru pulang dari luar Negara.

Бу мазали таом чет элдан яқиндагина ташриф буюрган акам учун ғайриоддий бўлиб туюлди.

Erma menggunakan wang simpanannya untuk membeli alat-alat tulis.

Эрма сақлаб қўйган омонатини ўқув қуроллари сотиб олиш учун ишлатди.

Sebaik saja pintu kurungan itu dibuka, Si Comel terus melompat keluar.

Қафаснинг эшиги очилиши билан, мушук ташқарига сакраб чиқди.

2.2. –man, -wan, -wati суффиксларининг грамматик таҳлили.

Akhiran –man, -wan, -wati

I. Ясалиши

1. –man, -wan, -wati суффикслари ўзакка қўшилганда негизда ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди.

2. –man, -wan, -wati суффикслари от ва сифат сўз туркумига мансуб сўзлардан от ясайди.

Масалан:

Negara + wan = negarawan

Давлат (от) - давлат арбоби

Jelita + wan = jelitawan

Чиройли (сифат) - чиройли қиз

3. –man, -wan суффикслари эркак жинсига мансуб отларни ясайди.

Масалан:

Seni + man = seniman

Санъат - санъаткор

Peraga + wan = peragawan
Бадан,тана - кўйлак намойишчиси (эркак модель)

4. -wati суффикси аёл жинсига мансуб отларни ясайди.

Масалан:

Seni + wati = seniwati
Санъат санъаткор (аёл)

II. –man, -wan, -wati суффиксларининг маъноси.

A) бирор соҳадаги шахс:

Budaya + wan = budayawan
Маданият - маданиятшунос
Tatabahasa + wan = tatabahasawan

Грамматика - грамматика билан шуғулланувчи шахс (тилшунос)

Қуйида ушбу сўз иштирок этган гапни кўриб чиқамиз:

Azah Aziz merupakan budayawan yang disegani di Negara kami.

Азах Азиз мамлакатимизнинг хурматга сазовор маданиятшуноси ҳисобланади.

Б) ber- қўшимчаси воситасида ҳосил қилинган иш- ҳаракатни бажарувчи шахс:

Ilmu + wan = ilmuwan
Илм - олим
Juta + wan = jutawan
Миллион - миллионер

В) бирор соҳада иш юритадиган, фаолият олиб борадиган шахс:

seni + man = seniman
санъат - санъаткор
warta + wan = wartawan

Газета - журналист, мухбир

Куйида ушбу сўз иштирок этган гапни кўриб чиқамиз:²¹

Para wartawan dilarang membuat liputang tentangkes pembunuhan ini.

Қотиллик воқеаси ҳақида мухбирларнинг газетага хабар беришлари таъқиқланади.

Миллат Bangsa	Wan	Ватанпарвар Bagsawan
Фазо Angkasa	Wan	Фазогир Angkasawan
Адабиёт Sastera	Wan	Адабиётшунос Sasterawan
Бойлик Harta	Wan	меросхўр, ворис Hartawan
Ақлли, доно Cendekia	Wan	Донишманд Cendekiawan
Асар karya	Wati	Ёзувчи, адиба Karyawati
Меҳр Budi	Man	Меҳрибон инсон Budiman

²¹ Abdul Hamid Mahmud, Hashim Hj Musa. Tatabahasa Dewan. Edisi Baharu. Kuala Lumpur. 2003.h1.82-90.

2.3. -el-, -er-, -em- инфиксларининг грамматик таҳлили.

Малайзия тилида -el-, -er-, -em- инфикслари иштирокида ҳосил бўладиган сўзлар мавжуд.²²

От ясовчи -el-, -er-, -em- инфикслари

Негиз ва қўшимчали сўз	Маъноси	Мисол
Tunjuk telunjuk	Кўрсатмоқ Кўрсатиш бармоғи	Telunjuk ibu berdarah kerana tercucuk jarum. Онамнинг кўрсатиш бармоғи игна санчиғидан қонади.
Runcup kemuncup	Гулнинг очилиши Ўт (ўсимлик) тури	Kemuncup di padang itu telah dimesin oleh Pak Bakar. Ҳовлидаги ўт жаноб Бакар томонидан машинада териб олинди.
Gigi gerigi	Тиш Бирор асбоб, усқунанинг ўткир тиши	Gerigi pada mesin itu telah tumpul. Бу машинанинг тиши ўтмас бўлиб қолган.

²² Asraf, Mohd. Khir Kassim, Amir Hazlin Lir. Bahasa Melayu.Ulang Kaji Target.Dasar Cetak. Malaysia.2006.hl.51.

Сифат ясовчи -el-, -er-, -et- инфикслари

Негиз ва қўшимчали сўз	Маъноси	Мисол
Serak Selerak	Кўтармоқ,ўғирмоқ (китоб бетини) Тартибсиз	Bilik yang berslerk itu dikemas oleh ibu. Бу тартибсиз хона она томонидан тозаланди.
Serbak Semerbak	Хушбўй	Bau bunga-bunga di halaman rumah say begitu semerbak. Уйимнинг ҳовлисидаги гуллар ҳиди жуда хушбўй.
Godak Gerodak	Аралаштирмақ Овоз баландлиги (кутида тошни аралаштиргандаги каби)	Kedengaran bunyi gerodak apabila tabung itu terhempas ke lantai. Идиш ерга тушиб кетганида қаттиқ овоз эшитилди.

III БОБ. КОНФИКСЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА АФФИКСЛАРНИНГ МИҚДОРЙ-ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ

3.1. ke...an конфиксининг грамматик таҳлили.

Ke...an конфикси (*apitan ke..an*)

1. Ясалиши.

1. ke...an Конфикси сўз ўзагига ke- префикси ва -an суффиксини қўшиш йўли орқали ясалади.²³

2. ke...an конфикси сўз негизига қўшилганда ўзакнинг шакли ўзгармайди.

2. ke...an конфикси ўзбек тилидаги мавҳум от ясовчи -лик қўшимчасининг малайзия тилидаги варианты ҳисобланади.

Масалан:

Menteri	kementerian
---------	-------------

Вазир	вазирлик
-------	----------

Қуйида ушбу сўз иштирок этган гапни кўриб чиқамиз:

Encik Lokman dituturkan ke Kementerian Pelajaran Malaysia sejak sebulan yang lalu.

Жаноб Лукмон ўтган бир ойдан бери Малайзия Таълими Вазирлигига ишга ўтказилган.

Indah	keindahan
-------	-----------

Ўғзал	ўғзаллик
-------	----------

Manusia	kemanusiaan
---------	-------------

Одам	одамийлик
------	-----------

Manis	kemanisan
-------	-----------

Ширин	ширинлик
-------	----------

²³ Othman Sulaiman. Malay for everyone. Pelanduk Publications. Malaysia. 2009. hl. 34-36

Penting	kepentingan
Муҳим	муҳимлилик
Raja	kerjaan
Қирол	қироллик

3.2. meN...kan ва meN...i конфикслари ўртасидаги фарқлар ва уларнинг қўлланилиши.

meN...kan конфикси (aritan me..kan)

meN...kan конфиксининг me..kan, mem..kan, meng..kan, menge..kan, meny..kan шакллари бор.

1. meN...kan конфиксидаги kan суффикси негизда ифода этилган маънодаги иш-ҳаракатнинг содир бўлишига сабаб бўлмоқликни англатади.

Masuk	memasukkan
Кирмоқ	киргизмоқ
Luar	mengeluarkan
Ташқари	ташқарига чиқармоқ
Betul	membetulkan
Тўғри	тузатмоқ

2. meN...kan конфиксли феъллар сифатлардан ҳам ясалиши мумкин:

Тоза Bersih	Тозаламоқ Membersihkan
Бўш Kosong	Бўшатмоқ mengosongkan
Равшан, ойдин, аниқ	Ойдинлаштирмоқ, тушунтирмоқ

Terang	Menerangkan
Узун	Узайтирмоқ
Panjang	Memanjangkan
Баланд	Баландлаштирмоқ
Tinggi	Meninggikan
Чукур	Чукурлаштирмоқ
Dalam	Mendalamkan

3. баъзи феълларга meN...kan конфикси қўшилиши натижасида мазкур феълнинг аввалги маъноси ўзгариб қарама- қарши маънодаги сўзлар ҳосил бўлиши каби истиснолар ҳам учрайди.

Масалан: menyewa – “ижарага олмоқ” , menyewakan – “ ижарага бермоқ”

Қуйида meN...kan конфикси иштирок этган гапларни кўриб чиқамиз:

1) Sampai di Bali kami menyewa bilik.

Балига етиб келгач биз бир хонани ижарага олдик.

2) Pak Sastro punya banyak rumah. Dia menyewakan satu rumah kepada orang asing.

Жаноб Састронинг кўп уйлари бор. У уйларидан бирини чет элликларга ижарага беради.

Қуйидаги жадвалда meN...kan конфиксига оид мисоллар келтирилган:²⁴

Уйғонмоқ	Қурмоқ	Уйғотмоқ
Bangun	membangun	membangunkan

²⁴ A.M. Almaster. The easy way to master the Indonesian Language. Balai Pustaka. Penerbit Jambatan Jakarta. 2003

Яшамоқ Tinggal	Вафот этмоқ Meninggal	Ортада қолдирмоқ Meninggalkan
Эшитмоқ Dengar	Эшитмоқ Mendengar	Тингламоқ Mendengarkan
Бор бўлмоқ Ada		Уюштирмоқ Mengadakan

4. **ber-** префиксли ўтимсиз феълларга - **kan** суффикси қўшилганда ўтимли (транзитив (объект, тўлдирувчиси мавжуд) феъл ҳосил бўлади.

Масалан: berdiri –“турмоқ” ; mendirikan – “қурмоқ, ташкил қилмоқ.”

Mereka akan mendirikan perusahaan minyak. “Улар ёғ ишлаб чиқарадиган завод қуришмоқчи.”

Sekolah ini didirikan pada tahun 1955.

Бу мактаб 1955 йилда барпо этилган.

Мазкур гап мажхул нисбатда бўлганлиги сабабли meN...kan нинг мажхул нисбатдаги шакли қўлланилган.

Сухбатлашмоқ Berbicara	Муҳокама қилмоқ Membicarakan
Ишламоқ Bekerja	Бирор вазифани бажармоқ mengerjakan
Сўрамоқ Bertanya	Бирор нарса ҳақида сўрамоқ Menanyakan

***meN...i* конфикси (*apitan me..i*)**

1. *men..i* конфиксидаги *-i* суффикси предлог вазифасини бажариб, *ke, kepada, akan, terhadap, atas, dengan, di, tentang* (*-га, -га (бирор шахсга нисбатан), учун, билан, -ни, -да, ҳақида*) каби ўзбек тилидаги боғловчи, баъзи келишиқ қўшимчаларига тўғри келадиган сўзларни ўзида мужассамлаштиради.²⁵

Конфикс сўз негизига қўшилганида ўтимли феъл ҳосил бўлади. Сандхига учрайди. Масалан: *duduk* – “ўтирмоқ” , *menduduki* – “оккупация қилмоқ”

Қуйидаги гапларнинг маъноси бир хил.

Ayah duduk di kerusi = Ayah menduduki kerusi

Иккинчи гапдаги *men..i* конфикси биринчи гапдаги *di* прелогини ўзига олган бўлиб, иккисининг маъноси “ Ота стулда ўтирибди” каби таржима қилинади.

Dating	Келмоқ	Mendatangi
Naik	Чиқмоқ	Menaiki
Masuk	Кирмоқ	Memasuki
Dekat	Яқинлашмоқ	Mendekati
Hadir	Бор бўлмоқ	Menghadiri

Шарифа Хаснаҳ Абдуллоҳ ижодий фаолияти ва унинг “Севимли онам” романи ҳақида

Шарифа Хаснаҳ Абдуллоҳ 1934 йил 12 декабрда Малайзиянинг Жохор штатидаги Бату Пахат шаҳрида туғилган. Бошланғич таълимни Бату Пахатдаги инглиз тилига ихтисослаштирилган қизлар мактабида олган. 1955 йилда Буюк Британиянинг Ливерпул

²⁵ Kamus Pelajar. Dewan Bahasa dan Pustaka.Kuala Lumpur 2002.

шаҳридаги Senior Cambridge олийгоҳини тамомлаган. Ватанга қайтгач, Жохор, Петалинг Жая, Куала Лумпурдаги ўрта мактабларда барс бериб малакасини оширган.

Унинг ёзувчилик фаолияти Малайзия тил ва адабиёт тадқиқот институтининг болалар адабиёти бўлимига киргандан сўнг бошланди. Унинг “Қайсар Сичқонча” (“Tikus Degil”) номли илк асари адабиёт бўйича тақдирланган. Шундан сўнг болалар ҳикоялари, романлар, тўпламлар, болалар учун мўлжалланган жаҳон адабиётидан таржималар яратиш билар шуғулланди. 1981 йилда Малайзия тил ва адабиёт тадқиқот институти томонидан ташкил қилинган “Ганс Кристиан Андерсоннинг эртаклари таржимаси” номи остида ўтказилган беллашувда совринли 2-ўринни қўлга киритди.

Ёзувчи таржима қилган жаҳон классик асарлари орасида Девид Копперфилд, Оливер Твист, Джейн Эйр ва Том Сойернинг саргузаштлари кабилар бор.

Унинг “Севимли онам” романи 1978 йилда “Энг яхши болалар романи” унвонига сазовор бўлди.

“Севимли онам” романинг асосий мазмуни ўсмир ёшидаги боланинг руҳий кечинмалари таҳлилига бағишланади. Романда тақдирнинг тақозоси билан отасиз қолган ўсмир боланинг онаси яна турмуш қуришга мажбур бўлишига муносабати, унинг ўсмирлик ҳаётида рўй берган воқеаларнинг бола руҳияти ва ҳулкига таъсири ёритилган.

АФФИКСЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК МИҚДОРИЙ ТАҲЛИЛИ

“Севимли онам” (Ibu yang kusayang) романининг биринчи боби асосида

умумий сўзлар сони		1528	100%
префикслар {	men-	65	4.25%
	ber-	54	3.53%
	di-	10	0.65%
	ter-	14	0.91%
	pen-	2	0.13%
феъл ясовчи			
от ясовчи			

суффикслар	феъл ясовчи	-an	11	0.71%	
	от ясовчи	-kan	25	1.63%	
		-lah	4	0.26%	
конфикслар	{	феъл ясовчи	meng...kan	25	1.63%
			men	11	0.71%
			...i	2	0.13%
			di...kan	2	0.13%
	{	от ясовчи	ber...an	5	0.32%
			pe...an	5	0.32%
			ke...an	5	0.32%

От ясовчи қўшимчалар	23 та (1.5%)
Феъл ясовчи қўшимчалар	208 та (13%)
Жами қўшимчалар	231 та(15%)

meN- префикси ва унинг ўзакка бирикиш усули

anggap – menganggap	ҳисобламоқ
angguk – mengangguk	Боши билан розилик ишорасини кўрсатмоқ
alah – mengalah	Мағлубиятга учратмоқ

buat – membuat	бажармоқ
beri – memberi	бермоқ
datang – mendatang	келмоқ
dengar – mendengar	Эшитмоқ
duga – menduga	Тахмин қилмоқ
cium – mencium	Бўса олмоқ
cari – mencari	Қидирмоқ
curi – mencuri	Ўғирламоқ
geleng – meggeleng	Бошини чайқатмоқ
jahit – menjahit	Тикмоқ (кийим)
jerit – menjerit	Бақирмоқ, қичқирмоқ
jawab – menjawab	Жавоб бермоқ
hisap – menghisap	Тортмоқ (суюқлик, тутун)
minta – meminta	Сўрамоқ
terkam – menerkam	Урмоқ
tarik – menarik (kerusi)	Тортмоқ (стулни)
tangis – menangis	Йиғламоқ
tinggal – meninggal	Вафот этмоқ
tuju – menuju	Йўналмоқ

tengking – menegking	Қўполлик билан гапирмоқ
tepis – menepis (tangan)	Олмоқ (қўлни)

ber- префикси ва унинг ўзакка бирикиш усули

Ber-tumbuk	Урушмоқ, муштлашмоқ
Ber-tanya	Сўрамоқ
Bar-jalan	Юрмоқ,сайр қилмоқ
Ber-jumpa	Учрашмоқ
Ber-kali-kali	Қайта -қайта
Ber-cakap	Гаплашмоқ
Ber-kawan	Дўстлашмоқ
Ber-talu-talu	Такроран
Ber-harap	Умид қилмоқ
Ber-kilat-kilat	ярақламоқ
Ber-ubah	Ўзгармоқ
Ber-lari	Югурмоқ
Ber-henti	Тўхтамоқ
Be-kerja	Ишламоқ

Ber-hak	Ҳақли бўлмоқ
Ber-main	ўйнамоқ
Ber-macam-macam	Турли хил
Ber-tiga	Учови
Ber-kata	Айтмоқ
Ber-setuju	Рози бўлмоқ
Ber-satu	Бирлашмоқ
Ber-sembunyi	Яширинмоқ, беркинмоқ
Ber-kerut (kening)	Қош чимирмоқ
Ber-sama-sama	Биргаликда
Ber-sandang	Суянмоқ
Ber-deret-deret	Қатор бўлиб турмоқ

lah- суффиксининг ўзакка бирикиш усули

(Mari) Sini-lah	Бу ерга кел
Tanya-lah	Сўра
Sakap-lah	Гапир

di- суффиксининг ўзакка бирикиш усули

di-ambil	Олинди
di-beri	Берилди
di-besar-kan	Катта қилинди
di-benar-kan	Рухсат бермоқ
di-lahir	Туғилган
di-hisap	Тортиш (тутун)
di-makan	Едирилди
di-rotan	Саваланди
di-tahan	Тўхтатилди
di-sebut	Айтилган
di-siat	Парча-парча бўлмоқ

-an суффиксининг ўзакка бирикиш усули

Tingkat-an	Босқич
Amal-an	Амал
(rasa) Kasih-an	Афсус (рахми келмоқ)
Kumpul-an	Гурух
Hadap-an	Рўпараси,олди, тўғриси

Me..kan конфиксининг ўзакка бирикиш усули

Me..kan	Sirap	Menyirapkan	Кўтарилмоқ
Me..kan	Ingat	Mengingatkat	Ёдига тушмоқ
Me..kan	Dapat	Mendapatkan	Топмоқ
Me..kan	Pikir	Memikirkan	Фикрламоқ
Me..kan	Sakit	Menyakitkan	Хафа қилмоқ
Me..kan	Sedap	Menyedapkan	Хурсанд қилмоқ
Me..kan	Letak	Meletakkan	Жойлаштирмоқ
Me..kan	Bentak	Membentakkan	Уқтирмоқ
Me..kan	Lepas	Melepaskan	Бўшатмоқ, озод қилмоқ
Me..kan	Hulur	Menghulurkan(tangan)	Узатмоқ(қўлни)
Me..kan	Arah	Mengarahkan	Қўналтирмоқ
Me..kan	Pejam	Memejamkan	Кўзини чирт юмиш
Me..kan	perhati	Memerhatikan	Диққат қаратмоқ
Me..kan	tinggal	Meninggalkan	Ташлаб кетмоқ
Me..kan	Tonyoh	Menonyohkan	Оғзига қистирмоқ
Me..kan	Unjuk	Mengunjukkan	Таклиф қилмоқ
Me..kan	Hembus	Menghembuskan	Чиқармоқ (тутун)

Me..kan	Jelas	Menjelaskan	Тушунтирмоқ
Me..kan	lupa	Melupakan	Унутмоқ

Me..i конфиксининг ўзакка бирикиш усули

Men..i	Duduk	Menduduki	Истиқомат қилмоқ
Men..i	Hinggap	Menghinggapi	Касалликка чалинмоқ
Men..i	Marah	Memarahi	Жаҳли чиқмоқ
Men..i	Hampir	Menghampiri	Яқинлашмоқ
Men..i	Dekat	Mendekati	Яқинлашмоқ
Men..i	Ulang	Mengulangi	Такрорламоқ
Men..i	Suka	Menyukai	Ўқтирмоқ

Pe..an конфиксининг ўзакка бирикиш усули

per..an	Himpun	Perhimpunan	Йиғилиш
per..an	Tanya	Pertanyaan	Савол
per..an	Setuju	Persetujuan	Розилик

per..an	Tinggal	Peninggalan	Мерос
---------	---------	-------------	-------

ХУЛОСА

Ўрганилган материаллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Австронез тиллари, хусусан, биз ўрганаётган малайзия тили агглютинатив тиллар типига мансуб бўлиб, янги сўз яшашдаги энг махсулдор восита – аффиксациядир. Шу сабабли ҳам, мазкур тилни ўрганувчилар, асосан, кўшимчаларнинг ўзакка қўшилиш усуллари, турлари , ўзак ва аффиксал морфемалар, уларнинг маънолари , умуман олганда, малайзия тилидаги аффиксация ҳодисаси, сўз ясалишига оид билимларни пухта эгаллашлари лозим. Чунки , айнан мана шу қоидаларни чуқур билиш, малайзия тили ўрганувчиларига мазкур тилдаги турли хил бадийий ва илмий - оммабоп китобларни тушуна олишлари учун калит бўлиб хизмат қилади.

1998 йилда Малайзия тулшунос олимлари томонидан мазкур тилда мавжуд сўзларнинг фақат 10.000 таси устидан лингвистик –миқдорий таҳлил ўтказилди. Ушбу таҳлил натижасида, олимлар фикрича, 10.000 та сўздан 2887 таси ёки 29% аффиксли ва 7113 таси ёки 71% аффиксларсиз, яъни кўшимчалари йўқ эканлиги маълум бўлди. Бошқача қилиб айтганда, газета ва журналлардаги ҳар 100 та сўзнинг 29 тасида аффикс мавжуд бўлиб, қолган 71 тасида аффикслар учрамайди. Шунингдек, магистрлик ишимизда, Малайзиянинг таниқли болалар ёзувчиси - Шарифа Хаснах Абдуллохнинг машхур “Севимли онам”(1979й.) асарининг, 1-боби асосида ҳам аффикслар бўйича статистика ишлаб чиқилди. Таҳлил натижасига кўра, ҳар 13 та сўзнинг бирида бор, малайзия тилида энг кўп қўлланиладиган аффикс – me- феъл ясовчи префикси бўлиб, ҳар 400 та сўзнинг бирида учрайдиган, малайзия тилида кам қўлланиладиган аффикс – lah суффикси ҳисобланади. “ -lah” суффикси буйруқ оҳангидаги гапларни юмшатиш,бирор талабни хушмуомалалик билан ифода этиш мақсадида қўлланилади.

2. Малайзия тилидаги аффиксларнинг сўз негизига қўшилиши пайтида рўй берадиган морфонематик – сандхи ҳодисасини тушунтириш учун тарихга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Тарихдан маълумки, Малайзия кўп асрлар мобайнида ҳинд маданияти, адабиёти, жумладан, санскрит тили таъсирида бўлган. Рус, инглиз, малайзия тилларидаги адабиётлар ёрдамида “ Малайзия тилидаги аффиксларнинг ўзига хос хусусиятлари” мавзусидаги ушбу магистрлик ишини тадқиқ қилиш жараёнида маълум бўлган, малайзия тилидаги санскрит тилидан ўзлашган сўзлар (guru, dewa, raja, rani, siswa), қўшимчалар (maha-, tata-, pra-, swa-, panca-, tuna-, eka-, dwi-, tri-) баъзи грамматик қоидалар (род тушунчаси (puter (i) [аёл жинси] - малика, puter(a)[эркак жинси]- шахзода; сандхи) нинг мавжудлиги санскрит, умуман, Ҳинд маданияти Малайзия маданиятига лингвистик даржадаги улкан таъсир кўрсатганлиги ва шу тариқа малайзия тили луғат таркибини бойитганлиги хулосасига келдик.

3. Роман асосида магистрлик иши бўйича аффиксларнинг лингвистик –миқдорий таҳлили билан бирга, малайзия адабиётида ўзига яраша мавқега эга , 1978 йили “Энг яхши болалар романи” номига сазовор бўлган асар билан танишиб чиқдик. Натижада тилнинг лингвистик хусусиятлари билан бир қаторда, унинг бадиий гўзаллиги, фаласафаси, асарда қўлланилган, фақат малай миллати учун хос бўлган фразеологизмлардан баҳраманд бўлдик.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбек тилида:

1. Каримов И.А. “Истиқлол ва маънавият”, Тошкент,1994.
2. Каримов И.А. “Маънавий юксалиш йўлида”, Тошкент, “Ўзбекистон”,1998
3. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг қўллари ва чоралари”, Тошкент, “Ўзбекистон”,2009
4. Ақобиров С.Ф., Мағруфов З.М., Н.М. Маматов, Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Москва. “Рус тили нашриёти”,1981.
5. О.Н. Шоматов. Ҳиндий тили меъёрий грамматикаси. ТошДШИ. Тошкент 2010.
6. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент. Ўқитувчи. 1992.
7. Тожиев Ё. “ Ҳозирги ўзбек адабий тилида “эғалик ва эмаслик” маъносини ифодаловчи сўз ясовчи аффикслар синонимияси. Филология фанлари номзоди...дис. – Т.:1974
8. Мирзакулов Т. Грамматика ўқитишнинг лингвистик асослари.Ўқитувчи. 1994
- 9.М.Мирзаев. Ўзбек тили.Тошкент. Ўқитувчи.1978.

Рус тилида:

10. Т.В.Дорофеева, Е.С.Кукушкина. Учебник малайского (малайзийского) языка. МГУ Издательский дом «Гуманитарий», 2006.
11. М.В.Лазова. Русча- ўзбекча луғат.Чет тил ва миллий тил.Т.:1953.
12. Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. - М., 1957.
13. Земская Е.А. Понятие производности, оформленности и членимости основ / Развитие словообразования современного русского языка. - М., 1966.
14. Реформатский А.А. Введение в языкознание. - М., 1967.
15. Аракин, Грамматика индонезийского языка,Москва, 1972.

16. Маслов Ю.С. Введение в языкознание. - М., 1987.

Малайзия тилида:

17. Farid Osman. Tatabahasa Dewan Edisi Baharu. Dewan Bahasa dan Pustaka. KL. 2004 Kamus Besar Bahasa Indonesia. Balai Pustaka. Departmen Pendidikan dan Kebudayaan. 1991.

18. Kamus dwibahasa. Oxford Fajar. M. Hawkins. Selangor. 2006. hl. 101-102

19. Abdul Hamid Mahmud, Hashim Hj Musa. Tatabahasa Dewan. Edisi Baharu. Kuala Lumpur. 2003. hl. 82-90.

21. Asraf, Mohd. Khir Kassim, Amir Hazlin Lir. Bahasa Melayu. Ulang Kaji Target. Dasar Cetak. Malaysia. 2006

22. Asraf Zaiton. Sistem Bahasa. Selangor. 2006

Инглиз тилида:

23. Othman Sulaiman, Malay for everyone, Pelanduk publications, Malaysia 2009.

24. Almaster. Easy way to master the Indonesian Language. Jakarta. 2002.

25. Oxford Advanced Learner's Dictionary. A.S. Hornby. Oxford University Press. 2005.

26. Kamus Pelajar. Dewan Bahasa dan Pustaka. Kuala Lumpur 2002.

Фойдаланилган сайтлар

<http://www.philology.ru>

<http://www.BahasaMelayu.com>

<http://www.answers.com/malaysianlanguage.html>

<http://www.wikipedia.org/malaylanguage.html>

<http://www.encyclopedia.com/doc/1E1-IndoArya.html>

<http://matling.spb.ru/whatsit.html>

<http://sgpi.ru/wiki/index.php>

<http://www.detskiysad.ru/rech/metodika03.html>

<http://www.oval.ru/enc/92158.html>

http://www.i-u.ru/biblio/archive/osnovi_sistemnogo_analisa/01.aspx

<http://www.kursach.com/biblio/0006001/101.htm>

<http://ref.by/refs/62/13614/1.html>

<http://www.vestnik-kafu.info/journal/1/6/>

<http://www.wikiznanie.ru/ru-wz/index.php/>

http://www.tspu.tula.ru/res/lang/yazykozn/jaz_zn_10.htm

<http://bigsoviet.org/Bse/GOGO-KONG/1016.shtml>

<http://www.lingvotech.com/sirk-82>

http://www.youryoga.org/article/dictionary/alphabet_sanskrit.htm